

## ЯНГИ АВЛОД МУТАХАССИСЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ: ТЕХНОЛОГИЯЛАР, ЮТУҚЛАР ВА МУАММОЛАР

Тўхтасинов Шоҳруҳ

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар  
институти талабаси

**Аннотация:** Ушбу ишда ёш мутахассисларнинг янги авлодини шакллантириш жараёни ўрганиб чиқилди. Унинг самарали бўлиши учун замонавий талаблар ва уларнинг амалиётга оширишга ишлатиладиган тавсия этилаётган янги тузилма тўғрисида маълумот берилмоқда.

**Калит сўзлар:** қонун, технология, ахборот технология, кооперация.

**Аннотация:** В данной работе изучен процесс формирования нового поколения молодых специалистов. Приводится информация о современных требованиях к его эффективности и предлагаемой новой структуре, используемой для их реализации.

**Ключевые слова:** право, технология, информационные технологии, сотрудничество.

**Abstract:** In this work, the process of forming a new generation of young professionals was studied. Information is provided on the modern requirements for its effectiveness and the proposed new structure used to implement them.

**Key words:** law, technology, information technology, cooperation.

Ҳозирги кунда иқтисодий ечимлардан бири келажакда зарур бўлган мутахассисларнинг янги авлодини тайёрлаш энг муҳим масалалардан бўлиб қолди. Мана шу муаммонинг ечимини топиш учун жуда катта хажмда ишлар бажарилмоқда. Биринчиси, ҳуқуқий асосини яратилди, яъни қонунчилик ҳужжатлари шакллантирилди. Иккинчиси, тайёрланадиган мутахассисларга бўлган талаблар мавжуд ижтимоий, иқтисодий ва халқаро муносабатлардан келиб чиқиб шакллантирилди. Учинчидан, зарурй молиявий шарт-шароитлар яратилмоқда, яъни ўқув адабиётлари билан таъминоти, асбоб-ускуналар мавжудлиги, ҳорижий мутахассисларнинг жалб этилиши йўлга қўйилди. Тўртинчидан, маълумот алмашинуви учун шароитлар яратилиб, уларга фойдаланувчилар бириктирилди ҳамда ишлашига технологик жараён ҳосил қилинди [1,2].

Инсонларнинг яшаш шароитини ижтимоий талабларга мос келадиган даражада бўлиши учун бир нечта омилларни ҳисобга олишимиз керак бўлади: қишлоқ хўжалигида махсулотларини етказиб бериш тизими мавжудлиги, сув таъминоти ва унинг истиқболлари, умумий гидрологик тавсиф олиб бориш [3].

Жамиятнинг иқтисодий таянчи ва асосий ҳаракатлантирувчи омилларни бир қисмини юқорида келтирилди. Энди уларнинг бажаришга қўйиладиган талабларни кўриб чиқсан. Буларни соддороқ қўринишда қўйидаги ифодалаб кўрсатамиз:

- асосий мутахассислик эга бўлган номзодда амалий қўникмалар мавжуд бўлиши,
- ахборот технологиялар дастурий воситалар билан қийинчиликсиз ишлаши,
- мавжуд муаммони тушунганик ва унинг устида ишлаш қобилияти мавжудлиги.

Юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш механизмини ишлаб чиқиша аввалроқ санаб ўтилган талабаларни ҳисобга олган ҳолда таълим жараёнини ташкил эта олиши мумкин тузилма структураси тақдим этилади. Уни қисқароқ шаклда қўйидагича ифодалашимиз мумкин:

- бошқарув тизими (раҳбар, ижро назорати гурӯҳи, мониторинг гурӯҳи, ёрдамчи, молиявий масалалар бўйича ўринбосар, маслаҳатчи),
- ижро назорати гурӯҳи (муаммонинг долзарблигига қараб гурӯҳлар шакллантирилади),
- олинган маълумотлар экспертлар гурӯҳига тақдим этилади, улар ўз-навбатида ёрдамчи ва маслаҳатчига етказилади.

Таҳлил қилинган сўнг мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари, зарурий тавсиялар ишлаб чиқилиб эълон қилинади.

Келтирилган тузилмада маслаҳатчи ва экспертлар гурӯҳи фаолияти ташкилот томонидан ва бошқа молиявий манбалардан фойдаланишлган ҳолда амалиётга оширилади, яъни 50% миқдорда ташкилот ва қолган 50% ни олинган даромад ҳисобидан тўлаб борилади. Айрим ҳолатларда экспертлар фаолиятидан олинган молиявий фойдани айнан шу гурӯҳ фаолиятига йўналтирилиши мумкин.

Шу ерда вазифаларни саралаш моҳиятини қўйидагича изоҳлаш мумкин:

- белгиланган муаммонинг аҳамияти бўйича юқори бўлгани биринчи навбатда ўрганилади,
- тавсия ва муаммоларнинг ечимлари бажарилишига зарур вақтнинг реал бўлгани энг биринчи бўлиди,
- иқтисодий самарадорликни таъминлайдиган даражасига қараб ажратилади.

Қайд этилаетган тузилма ва унинг ишлаш механизми иштирокчилари, уларнинг фаолияти ва бажарилиши лозим ишлар ҳақида бироз тўхталиб ўтамиз.

Бошқарув тизими қонунчилик меъёrlарига асосан фаоиятини шакллантиради ва йўлга қўяди.

Ижро назорати гурӯҳи белгиланган масалалар ечими ва амалга ошириладиган ишлаш бўйича мониторинг оли боради ва ўзининг холоса ҳамда тавсиялари бериб боради. Айрим ҳолатларда молиявий кўмаклашишга тавсия берилади [4].

Мутахассисларни тайёрлашнинг замонавий талаблари ўз ичига, албатта, ахборот технологияларнининг кенг кўламда ишлатилиши назарда тутади ва унинг имкониятларининг роли катта [5, 6].

Масалалар бўйича шакллантирилган гуруҳлар ўрганиш олиб боради ва маълумотларни умумлаштириб эксперталар гуруҳига етказилади. Улар ўз навбатида айрим ҳолларда тўлдиришни талаб қилишига ҳақли. Шу жараён масаланинг моҳияти етарли даражада ўрганилганига қадар олиб борилади. Муддати ўта қисқа ва ўта узун бўлмайди, яъни амалга ошириш ёки ўрганиш учун мос келадиган шароитлар мавжудлигига қараб белгиланади.

Шу сингари тузилмалар ҳам олдинги даврда яратилган, лекин улар, айна, ўша даврга мос келганлиги ва замонавий шартларни ҳисобга олиш мұхим бўлиб қолди. Айниқса, фаолият олиб бориш муддатларини энди муаммонинг ечими амалга оширилиши белгилайди.

Эксперталар гуруҳини шакллантиришда бир нечта шартларга асосланиб мутахассислар гуруҳи шакланиши керак:

- мутахассислар айнан шу соҳа вакиллари бўлиши шарт эмас,
- белгиланган муаммонинг техник ва бошқа асосларни тушунадиган бўлиши,
- ишлаб чиқариш соҳаси билан узвий боғланган ва амалга ошириш имкониятига эга вакиллар шу гуруҳга киритилиши ижобий таъсир кўрсатади,
- таълим ва ишлаб чиқариш соҳаларини биргаликда фаолияти тушунадиган мутахассиларни киритилиши лозим,
- ахборот технологияларнинг қўлланилишини тўғри баҳолашни биладиган вакилларни саралаш керак.

Мутахассисларнинг янги авлоди билим даражаси, малакаси ва ишлаш қобилиятини қанча юқори бўлишига эришилгандагина юқорида келтирилган жараенning самарали ишлаши бўлади. Бу эса янгича фикрлай оладиган авлодни шакллантиришга асослари яратиб беради.

Хулоса шуки, иқтисодий самарадорликка эриш учун аввало етарли малакага эга мутахассислар заҳирасини шакллантириш, уларнинг қўнишка ва билимларини замон талабига мос келадиган ҳолда етказиб бериш, муаммолар билан ишлаш қобиялитини шакллантириш натижасида жамиятимиз учун иқтисодий асосларини яратамиз.

## АДАБИЁТЛАР:

1. Кирыйгитов Б.А. Мультимедиянинг қўлланилиши /“Таълим жараенига ахборот коммуникация технологияларини тадбиқ қилиш муаммолари” мавзусидаги республика илмий ава илмий-техник анжумани материаллари тўплами. Андижон, 2017 й. 24 апрель. 2-қисм. 175-176-бетлар.

2. Кирыйгитов Б., Мирзаахмедов М. Информационные технологии в образовании/“Таълим жараенига ахборот коммуникация технологияларини тадбиқ

қилиш мұаммалари” мавзусидаги республика илмий ава илмий-техник анжумани материаллари түплами. Андижон, 2017 й. 24 апрель. 2-қисм. 266-267-бетлар.

3. Кодиров Р.Н., Шерматов Р.Й., Кирыйгитов Б.А. Сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг илмий - амалий асослари /«Вопросы инновационного развития науки, образования и техники». Материалы Международной научно-практической онлайн конференции. Андижан, 2022, 2-шўъба. С.231-233.

4. Кирыйгитов Б., Абдувохидов А. Тушунчаларнинг комплекс тарзда фойдаданиш аҳамияти / “Ilm- fan va ta’limda innovatsion yondasuvlar, muammolar, taklif va yecimlar” мавзусидаги 14-сонли республика илмий-онлайн конференцияси. Материаллар түплами. Фарғона, 2021, 1 қисм. 41-44-бет.

5. Кирыйгитов Б., Косимов Ш., Хакимов У. Анализ возможностей программных средств перевода //Вопросы науки и образования. 2020.-№7. С.5-10.

6. Кирыйгитов Б., Косимов Ш. Новые возможности использования интерактивных технологий //Вопросы науки и образования. 2020.-№7. С.81-85.